

4 Дилбар АБДУЛАЗИЗОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:
**БОЛАЛАРНИ АЛДАБ
БЎЛМАЙДИ!**



5 **ЎТТИЗ ИККИ СОҚЧИ**
ёхуд тишларни қай дара-
жада асраш мумкин



6

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Ватаннинг бир парчаси

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Ўзбек аёлининг соч турмагида яширинган сир.....	2
Ўз эгасини топган мукофот.....	3
Бекаларга бепул маслаҳат ёки консервалаш синоатлари.....	5
Касални яширган билан... ..	7
Қўли эмас, оёғи... енгил келин.....	7
Таъминот кимнинг зиммасида?.....	8

ҲИКМАТ

Қаноат меваси — роҳат, камтарлик меваси — муҳаббат.

Муъиниддин
Жувайний

ЭЛ ДУОСИ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Абдуҳолик ота Ибрагимовни Охангарон туманидаги "Озодлик" кишлоқ фуқаролар йиғинида каттаю кичик хурмат қилади. Отахонни йўқлаб, хонадонларига кириб борар эканмиз, катта-кичик гултувакларга ўтказилган анвойи гуллар одамга баҳорий кайфият улашади. Саранжом-сарийшта ховлига гулу райхонлар ўзгача файз беради. Ховли этагидаги чоғроқ боғда пишиб ётган меваларнинг асалдек болга тўлганини бир қарашда илгаш қийин эмас. Келганимизни эшитган чолу кампир уйдан икки неварасини етаклаб чиқиб келишди.

— Болали уй бозор, деб бекорга айтишмаган, Асал ва Фарангиз кечагина инглиз тилида ёд олган шеърларини бизга айтиб беришганди, — дейди кувониб Абдуҳолик ота.

Болалигида ҳаётнинг турли қийинчиликларини кўрган ота рафикаси Гулсум ая билан салкам қирқ йиллик турмуши давомида уч ўғил уч қизни тарбиялаб, вояга етказди,

ўқитиб хунарли қилди. Ўғиллари Абдусамад, Абдувоҳид, Аъзамжонлар ҳаётда ўз ўрнини топганлардан. Уларни таниганлар отасидек ажойиб инсон бўлиб улғайишибди, дейиша-



ди фахр билан. Қизлари Гўзал, Гулсара, Гулнозалар эса бугун файли хонадонларнинг бахтли бекаларига айланишган.

Гулсум аянинг айтишича, келинларининг ҳар бирида ўзига хос бир фазилят бор. Нафисахон олий маълумотли ўқитувчи, Соҳиббахон эса меҳнатда суяги қотган ишчи бўлса,

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

кичик келин Садоқатхон уздабурон ҳамшира. Кўлида гул унади. Ерга қадаган ялроғи ҳам илдиэ отиб, паллак ёзиб кетаверади.

— Инсон кўнглидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш учун ҳаммиша курашиб яшати керак, — дейди отахон. — Болалар бизнинг эртанги суянчиқларимиз. Сиз уни қайси йўлга бошласангиз, у шу йўлни танлайди. Халқимизда, бош бошлайди, оёқ ташлайди, деган нақл бекорга айтилмаган-да. Кишлоғимиздаги мактаб бошланғич синф ўқувчиларига мослаштирилган бўлиб, юқори синф ўқувчилари кўшни кишлоққа қатнаб таълим олишарди. Ҳар куни 5 км. масофани босиб ўтишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ёгин-сочинли кунларда болаларга одамнинг ичи ачиб кетарди. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган маблағ ҳисобига насиб этса, 2014 йили болаларимиз замонавий усулда қайта реконструкция қилинган, 300 ўринга эга бўлган мактабда ўқий бошлашади. Ҳаётни ўткинчи деб яшаган одам ютқазади. Уни мазмунга тўлдириш, савобли ишлар билан безаш учун ҳаракат ва меҳнат талаб этилади, холос.

Абдуҳолик ота каби инсонларнинг қўлаётган эзгу амаллари ёшларимиз учун ҳаммиша ибрат мактаби бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ЭШОНГУЗАРЛИК ФИДОЙИЛАР

...Умр йўлдоши вафот этганида, тўрт нафар қорақўз боласи билан ёлғиз қолган Феруза Исмоилова "Энди рўзгорни қандай эллайман", дея қаттиқ ўйга толганди. Устига-устак, ҳали уйларининг томи ҳам ёпилмаган, болалари эса жуда ёш. Бағри куюк аёлни маҳалладошлари ёлғиз ташлаб қўйишмади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллар томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак олган муштипар аёлнинг кўнгли кўтарилди. Қадди тикланди. Қучига куч, гайратига гайрат қўшилди. Яхши ниятли ва саховатли инсонлар кўмагида фарзандларини бировдан кам қилмай едириб-кийдирди, ўқитди, касб-хунар ўргатди. Аини пайтда улар тарбияли, эл-юртта, маҳалладошларига фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб вояга етишди.

— Халқимизда, "Маҳалланг ота-онанг" деган гап бежизга айтилмаган экан. Оғир кунларимда менга суянчиқ бўлган маҳалладошларимдан бир умр миннатдорман, — дея таҳририятимизга кириб келган Феруза Исмоилова пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги "Эшонгузар" маҳалласида амалга оширилаётган хайрли тадбирлар ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан танишар эканмиз, бу гўшадаги аҳиллик, ободончилик ишларида маҳалланинг тиниб-тинчимас раиси Ҳамидулла Абдуллаевнинг хизмати катта эканига гувоҳ бўлдик. У ҳар бир хонадоннинг муаммоларини, қувонч ташвишларини ўз кўнглидан ўтказади. Маҳалладошларининг бирини отам, бирини ака-укам дея қадрлайди. Ёшларга йўл-йўриқ кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, маҳалла аҳли тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир маҳаллада жуда катта ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Амалга оширилаётган хайрли тадбирларнинг замирида энг аввало, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик муҳити ётибди, — дейди Эшонгузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидулла Абдуллаев. — Негаки, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторида, маҳаллаларнинг жамиятдаги нуфузи-

Маҳалладан бошланар Ватан

ни ошириш чора-тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ана шу эзгу ишларга кўмакчи бўлиш ҳар бир фаолнинг олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзингизга маълум, маҳалла — катта даргоҳ. Кимнингдир уйда тўй, бошқа биринчида маърака. Қайсидир хонадон аҳли тўкин-сочинликда яшаса, унинг шундоққина девор-дармиён кўшниси камхаржроқ бўлиши мумкин. Маҳалламизда истиқомат қилаётган 4390 нафар одамнинг ўзига яраша орзу-истаклари бор. Биз имкон даражасида ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни эътиборимиздан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Наврўз, Халқаро хотин-қизлар куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Рамазон, Курбон ҳайитлари, Мустақиллик байрами ва бошқа тантаналарда уларнинг ҳолидан хабар олиб, қўлимиздан келгунича кўнглиларини кўтарамиз. Жорий йилнинг 8 мартида бегоб бўлиб ётиб қолган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган аёллар ҳолидан хабар олиб, кийим-кечак ва озиқ-овқат каби саховат совғаларини тақдим этдик.

Наврўз байрами арафасида ҳам кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон фарзандлари бор жами 81 оилага саховат совғаларини улашдик. Шунингдек, байрам дастурхони ёзилиб, 300 кишига ош тортилди. Мустақиллик байрами муносабати билан 90 та хонадонга саховат совғалари сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, маҳалламизда аҳолининг тиббий саводхонлигини юксалтириш, ёшларнинг маънавиятли, етук шахслар этиб тарбиялаш уларга касб-хунар ўргатиш борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширяпмиз. Хунарли ўғил-қизлар туйфайли эса хонадонларга янада баракка кирмоқда. Ёшлар ўртасида жинойатчилик ва ишсизликнинг олди олинмоқда.

Кўнгли ярим инсоннинг мушуқлини осон этмоқлик, таскин-тасалли бермоқлик энг улуғ амаллардан эканлиги бежиз эмас. Албатта, ўксик кишининг юрагига бир қатимгина нур улашсангиз, унинг кўзларида гўё куёш порлагандай бўлади. Қувончдан қалби ёришади.

Зарина РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

ИБРАТЛИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан телебошловчиларимизнинг кийиниши, пардоз-андози ва ўзини тутиш маданияти борасида нафақат миллий кадрлар, балки жаҳон андозаларининг бизга мос келадиган жиҳатларини ўзлаштиришлари ҳақидаги айрим фикрлар билан ўртоқлашиб, баъзи камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида Миллий ва нодавлат телеканалларининг бошловчи ва суҳандон хотин-қизлари иштирокида ўтказилган "Ибрат бўлиш масъулияти" номли тадбир қизларимиз маънавиятини юксалтириш, уларни миллий руҳда тарбиялаш мавзусига бағишланди.

Маъзур тадбирда кўмита фаоллари, Сенат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" раҳбарлари, Миллий ва нодавлат телеканалларда фаолият юритаётган суҳандон, бошловчи хотин-қизлар, масъул раҳбарлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Бугунги кунда нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг вилоят ҳамда туманларида кўплаб телеканаллар фаолият олиб борапти, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, "Дўстлик" ордени соҳибаси Дилором Умарова. — Албатта, у ерда меҳнат қилаётган ҳар битта суҳандон ёки телебошловчилар, энг аввало, ушбу касбнинг томошбин олдидаги юксак масъулиятини ҳис этишлари керак. Уларнинг ижодий маҳорати билан бирга, хатти-ҳаракати, ташқи кўриниши етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган томошбинга маъқул ва манзур бўлиши шарт. Бунинг учун, албатта, ёшларимиз кўпроқ изланишлари, устозларидан олган сабоқлари билан ўз тажрибаларини бойитиб боришлари зарур.

— Ташқи кўриниш орқали инсоннинг ички дунёси шаклланади, — дейди Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика касб-хунар коллежи директори Муаллам Зупарова. — Ўзбек аёлларининг кийиниш маданиятига қадимдан алоҳида эътибор қаратилган. Илмий ишим жараёнида кўп бора қизиқарли маълумотларга дуч келганман. 1930 йилда Соколова исмли аёл Ўзбекистонга келиб, аёллар соч турмагига қараб уларнинг ёши, оилавий шароити, турмушга чиққанми, келинми, ўрта ёшлими, ҳатто болалими, ҳаммасини ўрганиб, тасаннолар айтиб кетган экан. Биз бугун ҳам хотин-қизларимизни мана шундай эътирофларга сазовор бўлишлари учун ҳаракат қилишимиз зарур. Кўмита томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни тўғри йўлга йўналтиришимизда қўл келиши табиий.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар ёшларимизга шахсий ўрнак бўладиган санъаткор, хонанда, адиблар, маданият-санъат, фан соҳаси ходимлари, шулар қаторида миллий ва нодавлат телеканалларда бошловчилик қилаётган хотин-қизларда кўзга ташланаётган соҳа этикасини билмаслик, нутқнинг гализлиги, ўзини тутиш ҳолатининг ибратли эмаслиги, кўпроқ ташқи кўринишнинг кадрда намоёйиш этишга уриниш каби айрим камчилик-қусурлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Чучук УМАРОВА,
“Шухрат” медали сохибаси:

БОЛАЖОНЛАР — МЕНИНГ БОЙЛИГИМ!

Чучук Умарова ҳақида ёзмокчи бўлдим-у, ўйга толдим: уни боғча мудири сифатидаги фазилатларига ургу берсамми ёки қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатидаги хизматларига тўхталсамми? Албатта, мактабгача таълим муассасаси унинг асосий иш жойи, эрталаб туриши билан боғчасига югуради, дарвоза олдида туриб, болаларни ўзи кутиб олади. Хархаша қилганларини овуғади, конфет улашади. Ҳамма ишни жой-жойига қўйгач, бирор муаммосини ҳал қилишга киришади. Идорама-идора юриб бўлса ҳам ҳар қандай масалани ҳал қилмагунча тўхтамайди.

Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раислиги эса унга жамоатчилик топшириғи. Қишлоқдаги турли муаммоларга аралашиб йўқ жойдан ўзига ташвиш орттирсаям бу унга малол келмайди. Фуқаролар йиғини раиси: “Чучук опа, бир келиб кетмайсизми?” деса бўлди, югуриб боради. Кимдир қайнонаси билан, кимдир турмуш ўртоғи билан жанжаллашган бўлади. Баъзан икки қўшни орасига низо тушади. Раис билан бирга уларни мурасога келтиради. Гоҳида раиснинг ҳорғин юзига қараб: “Бошқа юмушларингиз бўлса қилаверинг, шу жанжални ўзимга қўйиб беринг”, деб қўяди.

“Ўзимга қўйиб беринг”. Бу гапни айтишга ҳаммининг ҳам юраги дов бермайди, қатта гапиргандан кейин унинг натижаси бўлиши керак-да. Аммо Чучук, албатта, натижага эришади, жанжаллашларни яраштириб юборади.

Бир гал эри ва қайнонаси билан сен-менга бориб қолган келинчакни ота-онаси олдида солиб маҳаллага олиб келди. Қаердан бўлса ҳам кўёби билан қудасини топтириб келишни талаб қилишди. Раиснинг илтимоси билан фуқаролар йиғинига этиб келган Чучук келинчакни бир четга тортиб савол берди:

“Эринг билан ажрашмоқчимисан?”

“Йўқ”.

“Яшаш ниятинг борми?”

“Ҳа”.

“Эрингни яхши кўрасанми?”

“Албатта”.

“Унда қандай бўлмасин бу ердан отанг билан онангни олиб кет. Ўзинг болангни кўтар-да, уйингга қайт. Бирор гап бўлса, менга кўнгирак қил. Мана, телефон рақамим”.

Келинчак индамай кетди. Эртаси куни Чучук ишга бораётганида келинчакнинг кўчада сув сепаётганини кўриб, мийиғида қулиб қўйди...

Чучук Умарованинг фаолиятида бундай воқеалар жуда кўп. У ҳўжалик хотин-қизлар кенгашига раис этиб сайланганида эндигина 32 ёшни қоралаган эди. Ушандаёқ унинг қайноналик фазилатлари кўринди. Ҳўжалик фермер хўжаликларига айлантирилгандан кейин ҳам уни қўйиб юборишмади — жамоатчилик асосида Севаз қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раислигига сайланди.

Чучукнинг ҳеч эсидан чиқмайди, бундан анча йиллар олдин — у пайтда фуқаролар йиғинини раҳматли Самад ака Самандаров бошқарарди,

биргалликда икки ёшни яраштириш учун кўп уринишди-ю, жувонни кўндира олишмади. “Яшайман, ажрашман”, деб туриб олди. Ноилоҳ аёл кетадиган куни уйдаги нарсаларини ажратиб беришди. Йигит мардона туриб: “Ҳоҳлаган нарсангни ол, фақат болаларимга яхши қарасан бўлди”, деди.

Аёл ҳақиқатда хоҳлаган нарсасини олди. Эҳ-хе, пешайвон буюмга тўлиб кетди. Турли-туман кийим-кечаклардан тортиб тўп-тўп матоларгача бор. Самад ака Чучука қараб “Чучугой, сиз билан биз ҳам юрган эканмиз-да. Бисотни қаранг, нима етишмас экан бу жувонга”, деди-аччикланиб. Сўнг Чучука синовчан назар ташлади: “Мабодо, сиздан шу ердаги истаган нарсангни ол, десалар нимани танлардингиз?” деб сўраб қолди.

Чучукнинг жавоби тайёр экан. “Ҳей девордаги товус патини кўряписми, ўшани олардим. Эртага боғчада Навоийхонлик ўтказамиз. Қадимий либосларга товуснинг пати етишмай тургани”, деб қўйди.

Самад ака қулиб юборди ва “Шу ерда ҳам боғчани ўйладингиз. Тўғри, сиз билан биз шунақамиз, бошқача бўлолмаймиз”, деб қўйди.

Дарвоқе, Чучук шунақа аёл. Молу давлат унинг учун



иккинчи даражали нарса. Ҳамиша боғчасини ўйлаб елиб-югуради. Ой кулса ҳам боғчамга бўлсин, кун кулса ҳам боғчамга кулсин, дейди.

Қаранг-а, Чучук Умарованинг жамоатчилик фаолияти билан мудирлик фаолияти қанчалик боғлиқ кетган, ажратиб қийин. У раҳбарлик қилаётган мактабгача таълим муассасаси шундоққина Севаз қишлоғи марказида жойлашган. Остона ҳатлаб ичкарига кирган киши унинг шаҳар боғчасидан қолишмаслигига амин бўлади. Ахир боғчани боғча қилгунча Чучук Умарова озмунча елиб югурдими? Бир пайтлар хўжаликларга қарашли бўлган бўлаб болалар масканлари ёпилиб, жиҳозлари йўқолиб кетди. Аммо Чучук ҳар бир нарсани кўз қорачиғидай асради, боғчадан бир миҳ суғуриб олинса, эртаси куни янгисини келтирди. Қандай бўлмасин, болалар учун барча шароитни яратишга уринди. Шу тариқа унинг боғчаси қишлоқ боғчаларининг юзига айланди.

Туманда мактабгача таълим муассасалари ҳақида гап кетса, албатта, унинг боғчаси тилга олинадиган бўлди. Ота-оналарнинг талаби билан Нурали қишлоғида филиал очди. Шу тариқа болалар сони 160 нафарга етди. Тозалик, ободончилик, таълим-тарбия ишларини рисоладагидай ташкил этди. Биргина шу йили туман миқёсида “Урган, ўргат” тадбирини, вилоят миқёсида “Болажон”

Замондошларимиз

дастури бўйича кўргазмалли семинарни ўтказишга Чучук Умарова бош-қош бўлди.

Яна бир гап. Бундан бир неча йиллар илгари туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи қизларига раҳбар хотин-қизлар бириктириб чиқилди. Ушанда Чучук Умарова Дурнабат исмли туркман қизига она бўлиб, шанба кунлари уни уйига олиб кетадиган бўлди. Ушанда илк бор Дурнабатнинг кўксига бош қўйиб, ойижон дейиши унинг оналик туйғуларини жунбишга келтирди. Икки ўртада шундай ришта боғландики, Дурнабат Чучукнинг қизлари сафидан ўрин олди. Унинг хоразмлик йигитга тўй бўлаётганини эшитганида бисотидаги барча матоларни олиб, кийимлар тиктирди. Тўй куни келин ва қувўнинг оналарига сўз берилаётганида, келин либосидаги Дурнабат, ўридан туриб: “Ойижон, сўзга сиз чиқинг”, деганида Чучукнинг вужуди жимирлаб кетди ва Дурнабатни маҳкам кучоқлаб, пешонасидан ўпди...

“Дурнабатимни соғиндим, анчадан буён кўрганам йўқ”. Шу сўзларни айтarkan, Чучукнинг кўзларида ёш қалқиди. Унинг юраги ўз қизлари қаторида Дурнабатга ҳам талпингани-талпинган.

Хуллас, бизнинг Чучук Умарова ана шунақа аёл. Унинг Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан “Шухрат” медали билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабарни эшитганларнинг қувончини сўз билан таърифлай олмаيمان. Ўша куни Севаз қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насриддин Қаландаров менга кўнгирак қилиб: “Мукофот сўз эгасини тоғганини қаранг”, деди севинчини яширолмай.

Лола ЎРОҚОВА,
журналист.
Қашқадарё вилояти.

Балиқчи ва балиқчиликлар ҳақида гап кетгудек бўлса, Кўрчевлар оиласи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Зеро, Чинобод шаҳарчасининг Балиқчи маҳалласида яшовчи бу хонадонда камол топган икки ўғил, олти қизнинг ҳар бири эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишган. Биз бугун улар ҳақида эмас, аксинча, ўз фарзандлари қалбида инсоний хислатлар бўлганин кўзини очган Абдуқаҳҳор ота ва Махсудахон аялар ҳақида сўз юритмоқчи жоиз деб билдик.

Фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган Абдуқаҳҳор Кўрчиев туман ва вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда маданий ҳаётига самарали ҳисса қўшди. Файрат-шижоатли, самимий ва соддадил Абдуқаҳҳор ака қаерда, қайси лавозимда ишламасин, эл-улус манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб яшагани учун ҳам ҳалигача юртдошлари бу жаннатий инсонни фахр билан хотирлашади.

Хонадон бекаси Махсудахон ая эса узоқ йиллар туман босмаҳонасида харф терувчи бўлиб ишлади. Ипак курти бокди, далада ишлаб, пахта етиштирди. У китобни, газета-журналларни жонидан ортиқ кўрар, шу боис

СУЛОЛАНИНГ ЎЧМАС ЧИРОҚЛАРИ

фарзандларини ҳам уларни севишга ўргатарди. «Гўрўғли», «Алпомиш» достонларини ёддан айтиб берганини бу мунис аёлни яқиндан билганлар тўлқинланиб эслайди. Маънавий олами бой онахонни бутун маҳалла аҳли ҳурмат қилар, ундан маслаҳат олиб туришарди. У қайноналарга келинларни ўз фарзандидек кўришни ўргатса, келинларни қайнона ва қайнонани ҳурмат қилишга чақиршдан чарчамасди.

Ҳар бир инсон ҳаётда бир марта яшайди. Бироқ яхши одамларнинг умри фарзандлари тақдирини давом этаркан. Абдуқаҳҳор ота ва Махсудахон аялар ҳам ана шундай, иккинчи умрини “яшаётган”лар тоғчасига кирди, десак муболага бўлмайди. Оиланинг тўнғичи Муқимжон ака қурувчи-инженер. 21 йил механизациялашган кўчма сафда ишлаб, шу соҳа ривожига ҳисса қўшди. Мустақиллик берган неъмат туйфайли тадбиркорлар сафига қўшилиб, укаси Ҳамидулло ҳамда фарзандлари Шерзодбек ва Лазизбекларни ёнига олиб

«Чинобод бунёдкор» курилиш фирмасини бошқармоқда. Ука ва сингилларига отаси каби меҳрибон. Унинг турмуш ўртоғи Давлатхон опа ҳам 35 йиллик педагогик фаолияти мобайнида ёш авлод камолоти йўлида меҳнат қилиб, эл назарига тушган инсонлардан бири.

Абдуқаҳҳор отанинг тўрт қизи ҳам ота касби — ўқитувчиликни танлашган. Матлубахон опа мактабда 35 йил давомида она тили ва адабиётдан сабоқ бериб, самарали меҳнатлари эвазига «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишонин билан тақдирланган. Ҳозирги кунда кексалик гаштини сурмоқда. Махмудахон опа ҳам 16 йил 39-умумтаълим мактабида ёш авлодга она тили ва адабиётдан сабоқ берди. Ўн етти йилдан буён 28-мактабгача таълим муассасаси жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Таълим-тарбия рух ва ўзбек тилларида олиб бориладиган ушбу муассасани бугунги кунда Андижон вилоятида намунали мактаб сифатида эътироф этишади. Махмуда-

Хотира саодати

хон опа ҳам фидойи меҳнатлари учун «Халқ таълими аълочиси» ҳамда «Мустақилликнинг 20 йиллиги» кўрак нишонлари билан тақдирланган. Маъмураҳон опа тумандаги 41-умумтаълим мактабида, Машураҳон опа эса 39-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга дарс беради. Уларнинг илгор тажрибаси республика миқёсида оммалашган. Гулиҳон опа ҳисобчилик касбини ардоқлаб келаётган бўлса, кенжа қиз Нурхон 2-мактабгача таълим муассасасида 22 йил тарбиячи бўлиб ишлади. Айни пайтда мазкур муассасида мудира. Энг қувончлиси, сулола давомчилари бўлмиш неваралар эришаётган ютуқлар ҳам таҳсинга лойиқ. Уларнинг 20 нафари олий маълумотли мутахассис.

Бу олам охират экинзори, дейдилар. Ким нима экса, шуни ўради. Абдуқаҳҳор ота ва Махсудахон аялар эса бу экинзорга фақат яхшилик, эзгулик уруғларини сочиб кетишди. Ишончлики комилки, бу ибратли сулола ворислари ҳам уларнинг хайрли ишларини давом эттиришади.

Барноҳон ХАЙДАРОВА,
журналист.
Андижон вилояти.

Баъзида ҳаёт ҳақида гап кетганда: «Ҳаётнинг ўзи сахна», деймиз. Сахна-чи? Аслида сахна ҳам аини ҳаёт эмасми? Ҳаётда учрайдиган яхшилиги ёмонлик, адолату қабоҳат, мурувату эътибор, ростгўйлик ва риёкорлик... Буларнинг бари сизу биз кунда-ойда кўриб, гувоҳ бўлиб юрган манзаралар-ку! Сахна санъати орқали эса уларни жонли талқин этиш, инсон қалбида нозик туйғуларни уйғотиш мумкин.

Республика Ёш томошабинлар театри артисти Дилбар Абдулазизова Мустақилликнинг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» унвони билан тақдирланди. Биз ҳам санъаткорни юксак унвон билан қутлаш баҳонасида гуруннга чорладик.

Дилбар АБДУЛАЗИЗОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

БОЛАЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ!

...Авлодида умуман санъаткорлар бўлмаса-да, жуда эрта — кизалоқлигидан унинг митти қалбида майсадек ниш уриб чиқаётган санъатга бўлган ҳавасга ота-онаси унчалик эътибор бермади. Пайқашганда ҳам отаси хайрихоҳ бўлмади. Отаси Мирсобит ака ҳарбий соҳада, онаси Мунира опа эса боғчада тарбиячи эди. Мактабга чиққач, у ерда ўтказилган тадбирларни кузата туриб, кўнглида бир илинж пайдо бўларди: «Мен ҳам рақсга тушсам, қўшиқ куйласам». Ҳавас ҳаракатни бошлаб келди. Энди тадбирлар Дилбарсиз ўтсин-чи? Спектаклларда роллар ижро этиш, кейинчалик мактабдошлари билан ўзлари спектакллар сахналаштиришлари унинг сеvimли машғулотига айлана борди. Тадбирларда ўтадиган ҳар бир дақиқадан кўнгли таскин топарди. Шу алфозда орзулари улғая борди.

Болаликнинг беғубор дамларида сахнага ошурфа бўлди. Айниқса, ижродан кейинги қарсақларда қандайдир сеҳр бордек эди. Нигоҳларнинг унга ҳавас ила боқиши, олқишлар унга бахтиёрлик бахш этарди. Ва шу паллаларда: «Албатта, санъаткор бўламан», деган қатъий орзулар кўнглидан кечарди. Аммо ота-онаси унинг шифокор бўлишини хошлашарди. Дарсдан сўнг ука-сингилларини ҳам томошаларга олиб борарди. Отасидан яширинча тўғаракларга қатнашарди. Мактабни битиргач, етарли билим ва истеъдод туйғули Тошкент ва расмоллик санъати институтига ўқишга кирди. Устозлари Розия Усмонова, Раҳимжон Сайфиддиновлардан санъат сирларини ўрганди.

Дилбар опадан илк роли ҳақида сўрасангиз, уни ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Негаки, ўшанда ёш актрисага зарбадасан санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Воҳид Қодиров, Манзура Ҳамидова, Муҳаббат Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Минавара Муҳаммедова, Тамара Ҳамдамовалар билан бир сахнада роли ижро этишнинг салобати бўларди. Улар шогирдларга ҳам сахна, ҳам ҳаёт сабогини ўргатишганини меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан хотирлайди.

Бугунги кунда етук санъаткор, талай шогирдларнинг устози эса-да, сахнага чиқиш олдидан ҳозир ҳам ҳаяжонга тушади. Негаки, кўпчилик қаршига чиқиб, ҳаёт сабоги бўлган спектаклларда роль ижро этишнинг ҳозираси ҳам, юки ҳам борлигини чуқур ҳис қилади. Томошабинларнинг барчаси ҳам битта образни яратиш қанча вақт, қанча меҳнат талаб қилишини, бир

спектаклни яратиш учун ойлаб, баъзида йиллаб вақт сарфлашини билишармикан? Мухлислари, айниқса, болаларни ишонтириш мушкул. Чунки улар ёлғонни ҳазм қилолмайди. Уларни алдаш мумкин эмас!

...Дилбар институтни тамомлагач, ижодини Ўзбек давлат драма театрида зўр иштиёқ билан бошлади. Аммо ҳаётда шодлик билан қайғу ёнма-ён келади, деганларидек, шу йили онаси оламдан ўтди. Отаси бошқа аёлга уйлангач, эр-хотин болаларни ёлғиз қолдириб, бошқа жойга кўчиб кетишди. Энди уч нафар ука-сингилларига қараш лозим. Ҳаракатчан қиз машаққатлар олдидан довдираб қолмади, ҳам ишга қатнар, ҳам укаларининг дарсини тайёрлатар, қирларини ювар, ош-овқатсиз қолиб кетмасликларини учун тиришар эди. Чунки опа уларнинг эртаси ёруғ бўлишини астойдил истарди. Мақсадга етишиш учун эса жон куйдирмаса бўлмаслигини яхши биларди. Қаровчисини йўқлиги сабабли у театрнинг кечки репетицияларига қатнаёлмади. Шунинг учун ҳам кундузи ишлайдиган болалар театрига ишга ўтди. Ўшанда ука-сингилларини ташлаб қўймай, уларга онадек меҳрибонлик қилгани учун улар бағрикенг, меҳри дарё опагонларини еру қўққа ишонмай, ҳурмати-ни жойига қўйишарди.

Дилбар Абдулазизова 1973 йилда Ёш томошабинлар театрига ишга келди. Қаранг, шунга ҳам қирк йил бўлибди. Аммо шу йиллар давомида у кўшимча таътилга чиқмади, касаллик варақаси нима эканлигини билмади. «Буни, сира касал бўлмаган экан-да, деб тушунманг, — уқтиради бизга опа. — Иситмалаб қолган пайтимизда ҳам спектакль ўйнаган вақтларимиз бўлган». Катта-кичик — бир юз ўттизга яқин ролларини ижро этди. Актриса ҳеч қачон роль танламади. Санъаткор катта-кичик ролларда товланади, дейди у. Тадбирларда, кимдир касал бўлиб қолганда ҳам, сафарга борасиз, дейишса, ҳеч эътироз билдирмасди. Гастроль сафарларида бўлганида, болаларига бувиси ва сингиллари Мавлуда, Гулнора қараб туришарди. Албатта, биринчи ўринда уни қўллаб-қувватла-

ган инсон турмуш ўртоғи эди. Санъаткор шунинг учун ҳам умр бўйи у инсонга сўяна олди.

Турмуш ўртоғи Кўчқор Абдулазизов аслида режиссёрлик таҳсилни олганди, лекин бу соҳада ишламади. Чунки улар шахардан ташқарида, жамоа ҳўжалигида яшашарди. У пайтлар кимдир жамоа ҳўжалигига аъзо бўлмаса, ҳовли-жой олиб қўйилиши мумкин эди. Рафиқасининг санъатни жон-дилдан севишини билган турмуш ўртоғи уни театрда қолдириб, ўзи жамоа ҳўжалигида ишлашни маъқул кўрди. Қайнонаси келинининг театрда ишлашига қарши эди, болали бўлганида: «Бўлди энди, қизим, театрда ишламайсиз», деди. Турмуш ўртоғи рафиқасининг санъатни давом эттиришига онасини кўндиргани учун бугун шодмонлигини яширмайди.

...Дилбар Абдулазизованин кўпгина роллари бир жиҳати билан эсда қоларли бўлган. Масалан, «Баҳор кайтмайди» видеофильмида ижро этган роли — Лобар шахсий ҳаётда катта ўзгариш ясаган. Турмуш ўртоғи билан учрашиб юрган маҳалларда шу видеофильм намойиш этилаётганди. Келин қайғусига юрган опаси, фильмини кўриб укасига, (уларнинг муносабатидан мутлақо беҳабар ҳолда) шу қиздай келининг бўлса, дейди. Шундан сўнг Кўчқор ака Дилбарни янада синчковлик билан кузата бошлади. Актрисанин бу ролини турмуш ўртоғи шу қадар ҳурмат қилардики... Ҳатто укасининг қизчасига шу қаҳрамоннинг номини ҳам қўйди.

Яна бир воқеа. Никоҳлари бўлаётган кунни ҳам спектакль намойиши бор эди. У шу спектаклда роль ижро этарди. Спектаклни тугатиб, никоҳга анча кечикиб борган. Ўшанда келинни янгалар апил-тапил кийинтиришди. Келинояиси орқасидан фатани олиб юрган, яна биров қўйлагани...

Актрисанин ижодини кузатар эканмиз, у талқин этган ролларнинг аксарияти ҳайвонлар образи. Аслида, инсонлар образини яратишдан кўра ҳайвонлар образини яратиш анча мушкул иш. Шундай бўлишига қарамай, Дилбар Абдулазизова ҳар бир ролини маҳорат билан ижро этади. Буни муҳлислар актриса-



нинг ўзига кўп бора таъкидлашган. Бир спектаклга тарбиячи болаларни олиб келган эди. Спектакль тугагач, ҳалиги тарбиячи: «Ролингизни кўриб музлаб кетдим, шунақаям тошюрак бўладими?» дея астойдил хафа бўлган. Ҳа, бу санъаткорнинг ютуғи аслида.

2000 йилда «Алломиш» спектаклида Алломишнинг оти — Бойчибор образини яратди ва бу роли унга омад олиб келди. Шу йил актриса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди.

Қашқадарёда ўтказилган катта фестивалда «От кинаган оқшом» спектаклида От образини талқин этганида ҳайъат аъзолари ҳам унинг маҳоратини алоҳида эътироф этишганди. Бундай ҳаётий мисолларни яна давом эттириш мумкин...

Ундан-бундан совчилар келса, актрисани уларнинг бойлиги қизиқтирмасди. Улардан фақат биргина сўрори бор эди, холос — уни кейинчалик ҳам шу соҳада ишлашига рухсат берадиларми? Театрда эндигина иш бошлаган ёш актриса бир кун спектакль тугагач, автобус бекатига кетаётса, кимдир уни чақиргандай бўлди. Қараса, нотаниш йигит, аммо таниш чеҳра. Мухлисларидан экан. Спектакль кўргани тез-тез келиб тураркан. Санъат борасида бироз гаплашишди. Кейинчалик бу мухлис тушмагур ҳар кун кизнинг йўлида пайдо бўладиган бўлди. Қиз унга кўнглидагиларни шартта-шуртта айтди-қўйди: «Мен санъатсиз яшолмайман. Бўлажак турмуш ўртоғим тўйдан кейин ҳам мени театрда ишлаймига қарши бўлмаслиги керак». «Мухлис» рози бўлди. Сўнг қизга чиройли товус патини совға қилди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Мана, қарийб ярим асрдирки, ваъда ўз кучида. Ҳаётдаги ягона сўянадиган инсон — турмуш ўртоғи. Икки фарзандни тарбиялаб улгайтиришди. Кизи Нилуфар ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институтида француз тилидан дарс беради, ўғли Улғубек эса инглиз тили бўйича етук мутахассис.

Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Абдулазизова ҳар бир ижро этган роли орқали болалар қалбида эзгулик туйғуларининг уйғонишида ҳиссаси борлигидан ўзи ҳам болаларча ҳувонади. Чунки эртақлар ҳаммиса эзгуликка етаклайди. Эзгуликнинг эса умри узундир.

Майсара НАЗАРОВА.



ҚАРЗ-ҚАВОЛА — бу сўз ҳам тилимизда кўп ишлатилади. Унинг «қарзи қавола» шакли ҳам бор. «Қарз» сўзининг маъноси ҳаммамизга маълум. Ҳўш, унда «қавола» сўзи қандай қўшилиб қолган ва бу сўз қандай мазмунга эга? «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, «Қавола» сўзи асли «кафолат берди» маъносини англатган.

Демак, «қарзи қавола» бирикмаси «кимнингдир кафолати билан олинган қарз» маъносини англатади.

— Қанча қарз-қавола қилиб, сени уйлантирдим, ойингни даволатдим. Сен эса, саёқ юришингни ҳеч қўймадинг.

Журналдан

ҚАЙРАҒОЧ — ёғочи қаттиқ, шохлари тигиз жойлашган, барги майда ва тўқ рангли, қалин соя берадиган сувсизликка чидамли дарахт тилимизда «қайрағоч» сўзи билан ифодаланади. «Қайрағоч» икки сўздан ҳосил бўлган. Ундаги «қайир» сўзи «қаттиқ», «пухта» мазмунини, «оғоч» сўзи эса, «дарахт» маъносини англатган.

Тутғочдай мевали онам, Қайрағочдай соғли онам...
Халқ қўшиқларидан

ТУЛУМ — табиат музейларига кириб қолсангиз, ичига похол ва бошқа нарсалар тиқиб қотирилган ҳайвон ва қушларни кўрасиз. Бу ҳолда улар «тулум» деб аталади. Бу сўзнинг «меш, саноч» маъноси ҳам бор.

«Тулум»нинг пайдо бўлишига қадимда бир ҳолат сабаб бўлган, яъни боласи ўлган сигирни йидириш учун терисига похол тиқилган бузоқдан фойдаланишган.

Айиқ тулуми. Бургут тулуми. Тулки тулуми.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

— Тишлар, аслида, инсон саломатлигининг соқчилари, — дейди шифокор. — Тиш билан боғлиқ касалликларнинг турлари жуда кўп. Мутахассислар уларни келтириб чиқарадиган мингдан зиёд омилни аниқлашган. Организмда кальций моддаси етишмаслиги, ортиқча ширинлик истеъмол қилиш тишга жуда катта зиён келтириши ҳаммага маълум бўлса-да, кўпчилик бунга эътибор беравермайди. Тишларни тоза тутишдан ташқари ҳар олти ойда шифокор кўригидан ўтиб туриш ҳам муҳим. Биз-чи, қачонки, қаттиқ орғик безовта қилмагунча шифокорга бормаймиз. Яқинда ҳузуримга бир аёл ўн етти яшар қизини етаклаб келди. Тишларнинг ахволи яхши эди. Фақат иккитагина тишида нуктадек қора доғ пайдо бўлган. Муолажаларни олишди. Унчалик кўп маблағ ҳам, вақт ҳам талаб қилинмади. Агар улар бунга эътибор беришмаганди бир-икки йилдан сўнгра ана шу тишларнинг ярми емирилиб, ковак ҳосил бўларди.

— **Аёлларнинг кўпчилиги фарзандли бўлганимда тишим тўкилиб кетган, деб нолийди. Бунинг олдини олиш мумкинми?**

— Албатта, мумкин. Ҳомиладорлик даврида аёллар организмда нафақат кальцийга, балки бошқа кўплаб витаминларга бўлган эҳтиёж ошишини ҳамма яхши билади. Аёллар бу пайтда кальцийга бой озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши кераклигини тинимсиз таъкидлаймиз. Шифокорларнинг турли витаминларни тавсия этиши ҳам бежиз эмас. Бу жиддий жараёнда фақат бўлажак она ва унинг яқинларидан озгина ҳафсала ва эътибор талаб қилинади, холос.

— **Огримаса-да, кариес ва бошқа хасталиклар оқибатида ковак ҳосил бўлган, емирилган тишлар инсоннинг ўзи ва атрофдагилар учун нечоғли зиён?**

— Емирилган тишларнинг коваклари турли инфекцияларнинг уясига айланади ва аста-секинлик билан сездирмай, инсон саломатлиги учун катта хавф туғдиради. Устига-устак, одам ҳар сафар нафас олганида, гаплашганида бу инфекция таёқчалари ҳавога аралашади ва ён-атрофдагиларнинг нафас йўллари орқали бошқа организмларга кўчади. Ана энди оилада ота ёки онанинг, боғчада боғча опанинг, касалхонада шифокорнинг тишида ана шундай “инфекция ўчоқлари” мавжудлигини тасаввур қилайлик. Бу — ўғил-қизларимиз, яқинларимизнинг саломатлиги учун жуда хатарли. Шунинг учун ҳам имкон қадар зарарланган тишларни тезроқ даволатиб олишни тавсия қиламиз.

— **Оғрик кучайганда тишни илдизи билан кўпориб ташлагиси келади киши... Эҳтимол, шунинг учун ҳам кўпчилик ёши эллика етмай**

Ҳаётида бир марта бўлса-да тиши огримаган одамни учратиш мушкул. Яқинда тиш шифокори қабулида навбатда турган аёллар билан суҳбатлашиб қолдим. “Тишларим ўзимники, ичида иккитагина “бегонаси” бор”, деди олтмиш ёшлардаги онахон чиройли жилмайиб. Бу гапга одамнинг ишонгиси келмайди. Лекин онахоннинг маржондай терилган тишлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирадиган даражада соғлом эди. “Меники эса аллақачон тўкилиб тушган, — дея зорланди қирқ ёшлардаги яна бир аёл. — Жағимда бирорта соғ тишим йўқ. Барака топсин дўхтирлар, ямаб, бутунлаб беришган, бир амаллаб нон чайнасам бўлади”. “Ҳа, бугун кўпчиликнинг тиши мўртлашиб кетган”, дейди онахон...

Ўйлаб қоласан киши: Хўш, нега тиббиёт шиддат билан ривожланганда бир пайтда тишлар бу қадар тез емирилиб кетмоқда? Уларни соғлом, бақувват асраш учун нималарга эътибор бериш керак? Олий тоифали шифокор, стоматолог Фуломжон ЖУМАЕВ билан суҳбатлашганимда юқоридаги айрим саволларга бир қадар жавоб топгандек бўлдим.

ЎТТИЗ ИККИ «СОҚЧИ»

ёхуд тишларни қай даражада асраб қолиш хусусида мутахассис маслаҳати



тишларидан буткул айрилиб қолаётгандир...

— Шифокор сифатида шахсан мен қабулимга келганларга огриган тишини фақат вақтинчалик азобдан қутулишни ўйлаб, олдириб ташлашни эмас, аксинча, имкони бўлса сақлаб қолишни маслаҳат бераман. Тўғри, бугунги кунда тишларнинг ўрнини босадиган бир нечта сунъий қопламалар пайдо бўлди. Аммо, барибир, табиий тишни асраш керак. Ўттиз икки тиш бир-бирига суяниб туради. Битта тишни олдиндигизми, албатта, ёнидагиси бўшаша бошлайди. Шунинг учун оғриб турган тишдан қутулиш сўнги чора эмас.

— **Малакали шифокорга учрагани — беморнинг омади, дейишди. Афсуски, айрим стоматологларнинг тажрибасизлиги ва укувсизлиги натижасида азият чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Устига-устак хусусий шифохона очган айрим “ишбилармон” шифокорлар санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилмаслиги туфайли юқумли хасталиклар тарқалиши ҳолатлари ҳам учраб турибди-да...**

— Мамакатимизда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш бора-

сида олиб борилаётган ишлар кўламининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани бежиз эмас. Одамлар ўз саломатлиги учун ўзлари масъул эканлигини, қайси шифокор ҳузурига борсалар ҳам ўз ҳуқуқларини талаб этишни билишлари керак. Ҳар бир тиббиёт муассасасида санитария-гигиена қоидаларига амал қилиниши шарт. Акс ҳолда беморлар бундай “шифокор” хизматидадан воз кечишсин. Шундагина бепарволик ўз ўзидан барҳам топади.

Оғриётган тишнинг ўрнига соғломни сўғуриб олаётган, арзимаган кўполлиги туфайли тишларга зарар етказётганлар ҳам оз бўлса-да, афсуски орамизда йўқ эмас.

— **Сизнинг наздингизда, бугунинг шифокори қандай бўлиши керак?**

— Замон тезкор. Янги технологиялар ҳамма соҳаларни қамраб оляпти. Биздан ҳар кун, ҳар соатда замонавий билимларни ўзлаштириб боришимиз талаб қилинади. Янги ва қулай муолажа усуллари пайдо бўляпти. Йигирма-ўттиз йил аввал тиш шифокорига бориш одамда кўркүв уйғотарди. Чунки бугунгидек огриксизлантирадиган воситалар оммалашмаган эди-да. Техника ва тиббиёт тараққиёти стоматологияга ҳам кўплаб қулайликларни олиб кирди. Шифокорлар эса бу жараёни четдан кузатиб турмай, бевоқифа ўрганиб, беморлар учун қулай янгиликларни ўз иш услубларига жорий этсалар, ўзлари учун ҳам, беморлар учун ҳам жуда яхши бўларди.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА суҳбатлашди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Ҳаёт, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дигипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тикувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиши — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 199894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, 199894 678-50-30 (кундузи)

Бекаларга
маслаҳат

КОНСЕРВА ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, маҳсулотлар ферментлар ва микроблар таъсирида бузилади. Инсон бундай таъсирга қарши туриш учун бир неча йиллардан бери еримиз неъматларини асраш ва қайта ишлашнинг турли усулларини ўйлаб топган. Бу — иситиб консервалаш, тузлаш, маринадлаш, шакар қўшиб қайнатиш ва қуритишдир.

Шу ўринда бутулизмнинг олдини олиш учун бекаларга қуйидагиларни эслатиб ўтмоқчимиз:

— уй шароитида консерва тайёрлаш жараёнида санитария ва гигиена қоидаларига албатта риоя қилинг;

— консерва маҳсулотларини тайёрлашда сифатига аҳамият бериш керак;

— сабзавот, мевалар тупроқ билан ўфослангани мумкин, шу боис уларни оқар сувда, сўнг қайнатилган сувда яхшилаб ювиш лозим;

— маҳсулотларни юқори ҳарорат остида; 20 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида қайнатиш зарур;

— нордон бўлмаган (бодринг, яшил нўхат) маҳсулотларидан консерва тайёрлашда уларга сирка кислотаси қўйишни унутманг;

— уй шароитида балиқ ва гўшт маҳсулотларидан консерва тайёрлашда сирка кислотаси қўйишни унутманг;

— консерва маҳсулотларини қоронги ва салқин жойда сақланг;

— консерваларни иссиғида ёпинг, ана шунда қопқоқдаги ингичка найлон табақа эриб, банкани оғзига ёпишади. Совуган ёки ярим тўлган банкалар яхши ёпишмайди;

— помидорнинг пўстини асло арчиманг, чунки пўстида ликопин моддаси бўлиб, у инсон организм учун фойдалидир;

— уй шароитида гўшт, балиқ, жўхори, яшил нўхат ва гул қарамдан консерва тайёрлашга уринманг. Кўп ҳолларда бу маҳсулотларни беҳуда исроф қилиш бўлади, чунки уйда тайёрланган бундай консервалар одам организм учун хавф туғдиради.

Зеро, шундай экан, санитария қоидаларига пухта риоя қилиш, яхши ва сақлашда бузилиб қолмайдиган маҳсулотларни олишни эсда тутиш консервалашнинг муҳим шартидир.

Сабзавотларни сақлашнинг энг осон ва оммабоп усули — тузлаш, бунда уларнинг дармондорилари яхши сақланиб қолади. Одатда, тузланган маҳсулотлар янги маҳсулотлардан таъми ва озуқавий қиймати жиҳатидан кескин ажрალიб туради. Қуритиш усули эса арзон ва оддий бўлса-да, қуритилган маҳсулотларнинг сифати янги маҳсулотларнинг сифатидан анча паст.

Ҳурматли бекажонлар! Оилангиз ва фарзандларингиз соғлиғига беъэтибор бўлманг. Унутманг, соғлигингизни асраш ўз қўлингизда!

Олий тоифали шифокор
Раъно МУҲАММАДЖОНОВА
тавсияларига асосан
ОДИНАБОНУ тайёрлади.

«Келинлар кўзголи» фильми намойиш этилгандан сўнг бола-ларнинг катта қозон ичига кириб, яширинишлари тез-тез кузатилган эди. «Шабнам» фильмидан сўнг эса қизлар дўппи кийиб, сочини ўриб юриши урф бўлди. Хусусий киностудиялар томонидан олинган кинофильмларда шеванинг кўп қўлланилиши вилоятларда Тошкент шевасини оммалаштирди. Айниқса, баъзи кинолардаги кўча, жаргон гапларнинг ишлатилиши тезда ёшлар тилига ҳам кўчяпти.

Айтмоқчи бўлганимиз, кино санъатчилик инсон рухияти ва маънавиятига тез таъсир кўрсатувчи куч йўқ. Ёшларни ортидан эргаштира оладиган, уларнинг дунёқарашига ижобий таъсир ўтказиб, уларда она ватанга муҳаббат, эзгуликка интилиш, яхшиликни қадрлаб, ёмонликка қарши курашиш каби хусусиятларни шакллантиришда кино санъатининг баъзида ҳатто бадиий адабиётдан устунроқ жиҳатлари ҳам борлиги ҳақиқат.

Хўш, бугунги фильмлар бундай жиддий масъулиятни қай даражада бажарапти? Президентимиз ўзининг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарида бу хусусда шундай фикрларни билдиради: «Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда... Лекин шуни ҳам ҳолисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатдиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ».

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар йили мамлакатимизда «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамда хусусий киностудиялар томонидан 60 дан ортқ бадиий фильмлар суратга олинмоқда. Улар орасида хусусий студияларда ишланган фильмлар оммабоплиги билан ажралиб турса-да, аммо савияси жиҳатидан давлат студияларида ишланган фильмлардан анча паст даражада эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилаётди. Умуман, кейинги пайтларда нега фильмлар тижорат ва давлат киностудиялари томонидан ишланган, дея алоҳида бир таснифга бўлинапти? Ахир экранга чиқаётган ҳар бир фильм ўз томошабинига эга бўлиб борапти-ку!

Нега кино кўраимиз? Умуман, кино кўришга эҳтиёж сезишимиз сабаблари нимада? Ахир қайси ёшда бўлишимиздан қатъи назар, кино томоша қилиш сеvimли машғулотимиз эканлигини тан олмай илож йўқ.

— Бизнинг ҳаёлимиздаги ранг-баранг олам, тасаввурлар ким бўлишимиздан фарқлай ўлароқ, биз билан бирга бўлади, — дейди адабиётшунос олим А.Носиров. — Биз бу тасаввурлардан айро бўлолмаймиз. Аммо реал ҳаётда уларнинг аксини баъзида топиб, баъзида тополмай

қоламиз. Турли воқеликларнинг кино орқали намойиши биздаги ўша тасаввурларни бойитиб, озиқлантириб боради. Бу воқеликларнинг баъзилари бизни хурсанд, баъзилари хафа қилади, бирларидан нимадир ўргансак, баъзи қаҳрамонлардан нафратланамиз. Бир сўз билан айтсак, кино бизнинг маънавий дунёқарашимизни бойитувчи, тафаккуримизни кенгайтиришга хизмат қилувчи бир восита.

Афсуски, бугун намойиш этилаётган барча фильмларни ҳам мана шундай сифатларга эга, деб айтолмаймиз. Тўғри, улар ҳам ҳаётдан олинган, кундалик маиший мавзуларни жуда чиройли талкин қилиб бераётди. Лекин уларнинг аксариятида қаҳрамон йўқлиги, оддий, бир хил персонажлар кишининг гашига тегади. Ундан эстетик завқ ололмаймиз, фақат қизиқиш билан томоша қилишимиз мумкин, холос.



Адабиётшуноснинг фикрларида жон бор, албатта. Эътибор беринг, машҳур актриса Зайнаб Садриева ҳақида гап кетганда, Фармонбиби кўз олдимида намоён бўлади. Бетақдор санъаткор Обид Юнусовнинг исмидан олдин Ўтқурийни тасаввуримизда жонлантирамиз. Аммо бугунги ёшларнинг сеvimли актёри бўлган Улуғбек Қодиров қайси ролда чиқмасин, барибир, уни Улуғбек Қодиров деб таниймиз. У ҳайдовчи ролда ҳам, эр ёки ошқ йигит ролда ҳам бир хил феъл-атворга эгадай туюлади. Бошқа баъзи актёрларда ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Тўғри, бу фақат актёр эмас, балки режиссёрнинг маҳоратига боғлиқ. Кўпинча маълум киноларда бирон хатти-ҳаракати, юмори билан танилган актёр кейинги фильмларда ҳам худди шу жиҳатларни намоён қила бошлайди. Асосан, режиссёр талаби билан, қарабсизки, бир хил қолипдаги қаҳрамонлар, персонажлар экран орқали пайдо бўлаверади. Ким билсин, балки оддий маиший мавзулардаги ролларда характернинг ўзи ҳам шарт эмасдир. Эслайлик, бир пайтлар ҳаммамиз сеvim томоша қилган «Келинлар кўзголи» ҳам аслида бугун биз мулоҳаза юритаётган маиший мавзулардан бири эди-ку. Бари маҳорат ва талқинга боғлиқ экан-да!

Фильмни ҳам тарғиб қилиш шартмикан?

Хўш, шоу-бизнес, санъат ҳам тижоратга айланган бир пайтда юқорида таъкидланганидек, биз шунчаки томоша қилаётган фильмлар оммабоплиги охири, асл санъат сифатида нафақат бизда, балки дунё миқёсида эътироф этилаётган кинофильмларнинг ўрнини эгаллай оладими? Бу масалада мутахассисларнинг фикрлари қандай?

— Кейинги йилларда мамлакатимизда тасвирга олинаётган кинолар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди «Ўзбекино» миллий агентлигининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Фармон Розиков. — Бу қувонарли ҳолат. Сабаби, фильм қанчалик кўп бўлса, режиссёрлар ҳам шунга кўра асар устида яхшироқ ишлаб, фильм харидорғирлигини оширишга интилади. Тўғри, са-

Бугуннинг гапи

да барча соҳаларда эришилаётган ютуқларни тарғиб қилувчи, ёшлар онгида мардлик, жасорат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантирувчи, диний ақидапарастлик, гиёҳхандликка қарши гоёвий иммунитетни кучайтиришга хизмат қилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Кинофильмларни вилоятимиз туманларининг узоқ маҳалла, қишлоқларида ҳам намойишини таъминлаш борасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида зарур жиҳозлар харид қилинди.

Худудий бўлинма қошидаги «Кино-видеофонд» шўъба қорхонаси аҳолига кино томошаси учун янада қулайлик яратиш учун бир пиёла чой устида кино кўришни, яъни кино чойхоналар ташкил этишни бошлади. Айни пайтда Жомбой туманидаги «Зарафшон» ва Пайариқ туманидаги «Челак» кинотеатрларида шундай кино чойхоналар ўз ишини бошлади.

Шунингдек, жойларда кино тарғиботи янада кенгайтириш мақсадида мунтазам учрашувлар, кино премьералари ўтказилмоқда. Мисол учун, жорий йилда «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» фестивали кўтаринки руҳда ўтказилди. Эл таниган актёр ва актрисаларнинг ёшлар билан учрашувлари қизгин баҳсларга бой бўлди.

ХУЛОСА ЎРНИДА:

Дарвоқе, бу тарғибот ишлари бугун қайсидир маънода ўз ижобий натижасини бераётди, десак, адашмаймиз. Сабаби, мактаб ўқувчилари орасида Ватан ҳақидаги кинофильмларни кўрмай қолганлари саноклидир. Қолаверса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кинотеатрларга бепул жалб этилиши аънамага айланди. Оромгоҳларда эса болаларнинг 22 номдаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиши ташкиллаштирилди. Улар орасида «Бахт қонуни», «Маънавий юксалиш йўлида», «Ўзбекистон рамзлари», «Маҳалла — халқ виждони», «Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятида» каби ҳужжатли фильмлар ҳам бор.

Айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган фильмларни таснифлаш, уларни икки табақга бўлиш ниятимиз йўқ. Фақат кўпчилик таъкидлаётган санъат санъатга айланиб бораётган бир пайтда ҳар бир «ишлаб чиқарувчи» ўз маҳсулотини муносиб ҳимоя қилиши давр талаби бўлиб қолаётганини эслатиб қўймоқчимиз, холос. Ёшларнинг маънавий дунёқарашига дахлдор киши борки (улар орасида кино-ижодкорлар ҳам муҳим ўринда туради), бу борада ўзини масъулиятли ҳис қилиши, кино кўришида ҳам кенг намоён бўлаётган оммавий маданиятдан асл маданиятни фарқлай билмоғи лозим.

Гулрух МҮМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.
Самарқанд вилояти.

ТОШЛАР

Бир куни оёқлар остида ётган тошлар: «Ким зўр?» дея баҳслашиб қолишибди.

Биринчи бўлиб тўхмат тоши осмонга сапчибди. Тўппа-тўғри йўловчи ўтиб бораётган йўл четигаги кўлмакка тушибди. Ҳар икки рақиб «Мўлжални тўғри олмади», дея хурсанд бўлишибди. Аммо кўлмак ичидаги балчиқ у одамнинг юзидан тортиб, кийимларигача иф-

лос қилибди.

Иккинчи бўлиб осмонга сапчиган нафрат тоши эса уст-боши ҳам, чехраси ҳам гўзал бир йўловчининг бошига тушибди. Боши ёрилган киши кўп даволанибди, аммо, барибир, ёрилган бош узоқ йиллар азоб берибди.

Ҳасад тошига навбати келгани ҳақида эслатишса ҳам писмайганча жойида тураверибди.

Уни енгилди деб ўйлаган шериклари мактаниб қолишибди.

— Кўрдиларингми, — гердайдиди тўхмат тоши, — ана энди у кийимларини, юзини тозалалгунча бир қанча муддат ўтади. Аммо, барибир, доғи қолади.

— Кийим нима бўпти? Юзидаги лой ҳам ҳеч нарса эмас. Ёрилган бошни даволаш учун қанча маблаг, вақт кетади. Муҳими, режадаги ишлари ортага сурилади, — унинг сўзини бўлибди нафрат тоши. — Ўтган вақт эса унинг зиёнига ишлайди. Мен, барибир, қолиман.

У сўзини тугатар-тугатмас йўлда ҳасад тоши ётганидан беҳабар бахтли жуфтликлар-

Қатра

дан бири унга қоқилиб кетиб, кўлмакка ағдарилибди. Уст-боши ифлос бўлибди. Уни ушлаб қоламан деган жуфти эса йқилибди, тошга боши билан тушиб, боши ёрилибди. Ҳар икки тош жим бўлиб қолибди. Панада турган ҳасадгўйлардан эҳтиёт бўлинг.

Карима АШУРОВА



**СУПЕРМАРКЕТ
АРАВАЧАСИ**

Сильван Голдман (Sylvan Goldman) исми савдогар харид қилинаётган буюмларни орбита юришга мўлжалланган супермаркет аравачасининг илк нусхасини ихтиро қилган шахс сифатида тарихда ном қолдирган. Бу воқеа 1936 йилда содир бўлганди.

Голдман Оклахома-Сити шаҳридаги каттагина озиқ-овқат дўконининг эгаси эди. Дўконга ҳар куни турли маҳсулотларнинг каттагина партияси келиб тушар ва деярли сотилиб кетарди. Дўкондор эса, табиийки, одамларнинг янада кўпроқ маҳсулот сотиб олишини истарди. Бир куни у хариддорларнинг харид жара-



ёнини кузатади. Уларнинг аксарияти пештахталардан маҳсулотларни олишар, бироқ ўтиб эса, жуда зарурларини саватида қолдириб, ортиқчасини яна пештахтага қайтариб қўйишарди. Бунинг сабаби, бор-йўғи, кўпроқ маҳсулотларни олиб юриш қийинлигида, яъни юки оғирлашиб бориши билан боғлиқ эди.

Буни қарангки, ана шу кичик муаммонинг ечими ҳам кутилмаганда топилиб қолди. Бир куни дўконда ул-бул харид қилиб юрган ёш аёл



Голдмanning диққатини тортди. Гап шундаки, аёл сотиб олган нарсаларини кичкинтой ўғилчасининг ип билан тортиб юрган ўйинчоқ машинаси устига қўйиб борарди. Шунда Сильван ўзини ўйлантириб юрган муаммони бартараф этиш йўлини топганидан суюниб кетди. Тезда ишга киришиб, дастлаб, оддий саватга унча катта бўлмаган гилдираклар ўрнатди. Нимасидир ўхшамай қолди чоғи, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган нақлга амал қилиб, мутахассис-механикларни кўмакка чақирди ва тез орада замонавий савдо аравачасининг биринчи нусхаси пайдо бўлди.

1947 йилдан ажойиб қурилманинг оммавий ишлаб чиқарилиши бошланди. Айнан ушбу савдо аравачасининг ихтиро қилиниши кейинчалик дўконларни янада кенгайтириш мумкинлигига замин яратди ва шу тариқа харид масканининг янгича кўриниши – супермаркет вужудга келди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

**КАСАЛНИ
ЯШИРСАНГ...**

Шу пайтгача кўнглимга ёқадиган йигитни учратмаганим учун турмушга чиқмаганман. “Кўзим очиклигида бир рўзгорнинг бошини тут, мендан кейин қийналасан”, деганида онам бекорга хавотирланмаган экан. У киши оламдан ўтгач, ёлғизлигим билинди. Охир-оқибат акамнинг кенг ҳовлисига ҳам сиймай қолдим. Бир ҳамкасбим ўртага тушгач, кўшни туманда яшовчи Шухрат билан танишдик. Хотини оламдан ўтган, икки нафар фарзанди билан қолган экан. Учрашдик, бир-биримизга маъқул бўлдик. Онаси совчиликка келди. Уйдагилар розилик билдиришгач, ФХДЁ бўлимига бориб, никоҳдан ўтиш учун ариза бердик. Белгиланган қоида бўйича тиббий кўрикдан ўтишимиз керак эди. Шухрат иккимизнинг ҳам битта шифохонада тиббий кўриқдан ўтишимизни истамади. Кўнглимда шубҳа пайдо бўлгач, улар яшайдиган туман шифохонасида ишлайдиган бир танишмидан бўлғуси эримнинг касаллик варақасини суриштирдим. Маълум бўлишича, Шухрат суяк силлининг ўта оғир формаси билан касалланган экан. Шундан сўнг никоҳдан ўтиш учун берган аризамни қайтариб олдим.

Ёшим 38 да. Олий маълумотлиман. Турмушидан ажралган, бир нафар фарзанди бор, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом эркак билан оила куриш истагидаман.

**ГУЛЧИРОЙ,
Сурхондарё вилояти.**

**КЎЗЛАРИДА ҚУВОНЧ
КЎРСАЙДИМ**

— Сизларга Сирдарё вилоятидан кўнгирак қилаялман. Исимим Зулайҳо. Моҳира деган ҳамкасбим бор. **Ёши 32 да.** Жуда ажойиб, кенг феъл, хушчақчақ, очик чеҳрали қиз. Оиласида

кенжа фарзанд. Бундан уч йил бурун дугонани бир йигитга унаштиришганди. У хорижга ишлагани кетиб, қайтмагач, фотиҳаси бузилди. Шу воқеадан кейин дугонам турмушга чиқмаган кўрқиб қолди. Албатта, уни тўғри тушунаман. Чунки тенгдошларининг барчаси оилали, бола-чақали. У эса ҳамон ёлғиз. Қадрдон дугонам ўз тенгини толиб турмушга чиқса, балки кўзларида яна аввалгидек қувонч порлармиди, деган умидда сизларга мурожаат этдим. Имкони бўлса, 40 ёшгача бўлган, ўз касб-кори, уй-жойига эга инсон бўлса, хабар қиларсизлар.

**ФЕРУЗА,
Сирдарё вилояти.**



Бахтли бўлинг

**ОЁҒИ ҲАМ
ЕНГИЛ ЭКАН**

Шифохонада даволанаётиб Шоира исми хамшира қизга оталарча меҳрим тушиб қолди. Ўша пайтлари ўғлим Нусратжонни уйлантириш тавиши билан юргандик. Онасига Шоира ҳақида айтгандим, бир учрашиб кўришсин, деди. Бир-бирларига маъқул бўлгач, тўй ҳам тезлашиб кетди. Афсус, минг афсус, Шоиранинг “томошаси” тўйдан кейин бошланди.

Кўли енгил хамшира қизнинг оёғи ҳам енгил чиқиб қолса дегн. Маълум бўлишича, у бошқа бир йигит билан кўп йиллардан бери гаплашиб юраркан. Севгилиснинг ота-онаси эса бошқа қизга уйлантирса-да, улар барибир учрашиб турар экан. Энг ёмони, Шоира турмушга чиқсам, ҳалиги йигит билан гаплашаётганини ўғлим сезиб қолди ва охири ишлатмай қўйди. Отанаси ҳам қизларига роса насихат қилишди. Лекин минг афсуски, келин инсофга келмади. Ноилж қолган ўғлим қонуний ажрашди.

Нусратжоннинг **ёши 31 да.** Ўрта бўйли, касб-кори тайин, уйим-жойим дейдиган ор-номусли йигит. Фарғона вилоятида яшовчи 24-25 ёшлар атрофидаги одобли, ибодли, ҳаёли оқила қиз бўлса, келин қилардик.

**СОБИР ота,
Фарғона вилояти.**

**УЗУККА КЎЗ
ҚЎЙГАНДЕК**

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Раҳматли кундошимни оқила аёл бўлган дейишади. Ҳозиргача унинг оиласидагилар билан муносабатларимиз яхши. Синглиси Саидани айниқса, жуда хурмат қиламан. У опасидан қолган ёлғизгина ёдгори — жиянини кўришга тез-тез келиб туради. Бир куни “Оила ва жамият” газетасининг “Бахтли бўлинг” рункига мурожаат қилмоқчи эканини, аммо уялаётганини айтиб қолди. Иккимиз бирга бориб, тахририятдан Нозим исми андижонлик йигитнинг телефон рақамини олдик. Ўзим ўртада туриб, Нозимжон билан Саидани учраштирдим. Икки ёш узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос тушди. Сентябрь ойининг бошида уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Икки ёш сизлардан ниҳоятда миннатдор.

**РОҲАТОЙ,
Наманган вилояти.**

Табиат — дорихона

Сариқ, тўқ сариқ, баъзан қизғиш рангли, сувсиз, шпирин буриштирувчи тазмил, хушбўй ҳилли беҳи меваси фойдалилиги билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Нафақат меваси, балки унинг барги, новдаси, уруғи ҳам турли касалликларга даводир.

Халқ табобатида ҳам беҳининг меваси, барги, новдаси ва уруғи ишлатилади. Уруғининг қайнатмаси меъда ва ичак касалликларини даволашда фойдалидир. Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонлик, ичбуруғ ва бавосил касалликларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ибн Сино беҳини ич кетиш, қон аралаш ич кетиши даволашда ишлатган. Бундан ташқари, иштахга очувчи ҳамда сийдик ҳайловчи дори сифатида ичишни беморларга тавсия этган. Мева шарбати билан қон тушуриш, астма, юрак хасталиклари, гепатит, қорин ҳамда миядаги оғриқлар, дизентерия хасталикларини, уруғ қайнатмаси ёрдамида эса, ичак касалликларини, мева ичак яллиғланишини даволаган.

Унинг умумий тарқалмадла, қанд, пектин, лар, органик кислота-глицозид амидалик, мир, мис тузлари ва

Беҳи мевасидан натма ҳамда димлаб пийўтал, кўкрак касалликларини бартараф этиш, овқат ҳазм бўлишини яхшилаш, қусинини тўқатини хусусиятига эгадир. Шу билан бирга, уруғ қайнатмаси ич кетиш, бачадондаги хасталикларнинг олдини олишда қўлланилади.

Барглари ва ёш новдаларидан қанд касаллиги ва қон босимини даволашда кенг фойдаланилади. Бунинг учун гуллаш даврида барглари ва ёш новдаларидан олиб, салқин ерда қуриғилади. 1-2 ош қошиқ барг ва новданинг янчилган қуқундан 1 стакан сувга қўпилади. Сўнг паст оловда 15 дақиқа қайнатади, совитилгач, докадан ўтказилиб, 1 ош қошиқдан кунга 3 маҳал ичилади.

Беҳидан мурabbo тайёрлаш учун етилиб пишган мевасини уруғидан ажратиб олиб, майда қилиб тўғралади. Идишга биров сув солиб, беҳи уруғи тўбга кўра шакар солинган ҳолда қайнатади. Сўнг ушбу суюқликка тўғралган беҳини солиб, ўртача оловда қайнатади. Тайёрланаётган мурabbo хуштам бўлиши учун битта лимон пўчоғи майда тўғраб солинади. 30 дақиқа қайнагач, мурabbони банкаларга солиб, ёшиб, қипда маза қилиб таювул қилинади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



БЕҲИ

бида шиллиқ ошловчи моддалар, эфир мойи, С витамини, тебўёқлар мавжуд.

тайёрланган қайширилган жигар, ни бартараф этиш, овқат ҳазм бўлишини яхшилаш, қусинини тўқатини хусусиятига эгадир. Шу билан бирга, уруғ қайнатмаси ич кетиш, бачадондаги хасталикларнинг олдини олишда қўлланилади.

**Фойдали
МАСЛАҲАТЛАР**

Ёш болали оналар шоколад, қахва, дудланган маҳсулотлар ва цитрус мевалардан қўқ миқдорда истеъмол қилишлари мумкин эмас.

Гигиена бўйича энг назик пардоз анжони бу туш ҳисобланади. Шунинг учун битта тушдан фақат ўзингиз фойдаланганингиз маъқул.

Парҳезга ўта қаттиқ риоя қилиш сочларда қазғоқ пайдо бўлишига олиб келади.

Кийимлардаги қора мум доғини кетказиш учун ўша жойга сариеғ суртинг ва 15 дақиқадан сўнг иссиқ сувда ювиб ташлан.

Сифатли атирлар сепилганда ёқимли ифори хатто 8-10 кунгача сақланиб қолади.

Ойналарни ювиш учун мўлжалланган суюқлик қахва доғини кетказиш учун яхши воситадир. Бунинг учун суюқликка сочинки хўллаб, доғни ишқаланг, сўнг кийимларни ювиш учун мўлжалланган куқун билан ювинг.

Карам шарбати гастритни йўқотиш учун энг яхши воситадир.

Баъзи дори-дармонлар яра касалликларини келтириб чиқаради. Шу сабаб дориларни шифокор маслаҳатисиз қабул қилмаслик лозим.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ТҮЙ ТҮЙДАЙ БЎЛСИН!

...Муниса оилада эркатой фарзанд эди. Болалигидан отаси уни эркалаб ўстирди. У коллежни туғатиб, тикувчилик қила бошлади. Остонасидан совчиларнинг ҳам кети узилмади. Нон синдириб, бой хонадоннинг арзанда ўғлига унаштириб қўйишди. Энди унинг никоҳ тўйи бутун маҳаллага овоза бўлади. Қимматбахо оппоқ келинлик либосида ўзини тасаввур этаркан, сирли кулимсирарди. Аммо унинг орзу-хаваслари билан онасининг режалари бир-бирига мос тушмади. "Дугоналаримнинг ота-онаси энг қиммат мебеллару, тилла тақинчоқларни олиб беришпти. Менинг бошқалардан кам жойим борми?", деб ўксиниб йиғлади у. "Ахир, аканг институтда шартнома асосида ўқияпти. Кўрпамизга қараб оёқ узатмиз-да энди, кизим", деди онаси.

Тўйида ҳаммани ҳайратда қолдиришни ўйлаб юрган кизга муштирап онанинг гаплари бир баҳонадек туюлди. "Гап тамом. Катта базму жамшид билан узатмасангиз, турмушга чиқмай, сўққабош ўтаман", деди таҳдидли оҳангда. Чўчиб кетган ота-она унинг ҳамма шартларига кўнди. Кийимлар, сарпо-суруқларнинг энг саралари, ноёб чинни идишлар, шоҳона пардалар, гиламлар сотиб олинди. Икки ёш учун ажратилган хона қимматбахо мебеллар билан безатилди. Қизни ўзи орзу қилганидан ҳам зиёда қилиб уза-

тишди. Аммо... ота-она катта миқдорда қарзга ботди. Уни эгаларига қайтаргунча йиллар ўтиб кетди. Муниса рўзгорнинг пасту баландини, турмушнинг аччиқ-чучугини кўриб, ота-онанинг кадрига етишни ўрганганида эса кеч бўлганди. Она қон босими хасталигини орттириб олган, отанинг юраги тез-тез хуруж қиладиган бўлиб қолганди...

Халқимизда қиз узатганга қирқ йил



тегма, деган нақл бежиз айтилмаган. Тўй тараддуидида юрган ота-оналарнинг ташвишлари йилдан-йилга ортиб бораётгани эса бор гап. Тошкентда қиз узатиш анча йиллардан бери оғир юмуш экани ҳеч кимга сир эмас. Эндликда бу анъана қишлоқларни ҳам "забт" этмоқда. Тўйларни камчиқим, камхарж ва ихчам қилиб ўтказиш борасида кўпчилик куюниб гапирётган бўлса-да, бунга амал қилаётганлар-

Ойна

ни учратиш мушкул бўлиб қолди. Дабдабали тўй-хашамларни тарғиб қилаётган фильм ва клипplar ҳам ёшлар онгига салбий таъсир қилмай қолмапти. Уларнинг касрига "орзу-хавас" деганлари болалаб кетди. Кудато-мон, "Мебелнинг зўридан қиласиз", деб шарт қўйишга орланмай қўйди. Қиз базмларини айтмайсиз...

Қишлоқ одамларининг оддийлигини яхши кўрадим. Тўйларда чиройли анъаналаримиз, қадриятларимизнинг кадри бор, деб ўйлардим. Энди эса ҳатто чекка қишлоқлардаги тўйларни ҳам "янгица" урф-одат, баचना удумлар эгалламоқда. Бундай "анъаналар" дабдабага ўч, босар-тусарини билмай юрган бир-иккита ношукур кимсалар туфайли шитоб билан оммавийлашиб бораётгани ачинарли. Чунки қолганлар: "Биз ундан кам эканмизми", қабилда иш тутмоқда. Катталарга-ку, бир нима дея олмасмиз. Аммо ана шундай ўй ёшлар онгини ҳам эгаллаб олаётгани ёмон. Айрим калтабин йигит-қизлар томонидан худди кийимга тушган ямоқдек хунук кўринаётган турли европача, америкача бачкана одатларни тўй базмларига олиб кириляётганига нима дейсиз?..

Тўй-маросимлар ҳам маънавиятимизни белгилловчи удумларимиздир. Уни бетакорр миллий қадриятимиз сифатида бор гўзаллиги, сирли удумлари билан авлодларга етказиб бериш эса бизнинг бурчимиз эканини унутмайлик.

Одина ҚУЛМУРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

КИМ ТАЪМИНОТ ҚИЛИШИ КЕРАК?

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Кўлимдан келгунича уч фарзандимни тарбияладим, ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Лекин ёшим бир жойга етганида рўзгор тебратишга қийналиб қолдим. Шундай пайтда болаларимдан менга таъминот беришларини талаб қилишим мумкинми?

Р.Мустафин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Ота-онанинг меҳнатга лаёқатсиз-

лиги уларнинг пенсия ёшига етганлиги, ота-онанинг 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги, ва уларнинг 3 гуруҳ ногирони бўлган тақдирда тиббий-меҳнат экспертизаси хулосасига асосан тавсия этилган ишни топа олмаган тақдирда юзага келади.

Умуман, ота-онанинг болалар ёрдамига муҳтожлиги уларнинг даромадлари (иш ҳақи, пенсия ва ҳоказолар) ўзларининг моддий шароитларини тирикчилик минимуми даражасида сақлашлари учун етмаслигига айтилади.

Фарзандларимдан менга моддий таъминот беришлари учун суд қарор чиқарган эди. Лекин олти ойки, улар ҳар хил вазларни баҳона қилиб, қарор ижросидан бўйин товляшпти. Бунинг учун қандай турдаги жавобгарлик белгиланган?

З.Косимова.

Албатта, ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят Кодексининг 123-моддасига асосан, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортқ муддат мобайнида тўламаслиги — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Саволларга Навоий вилояти Навбахор тумани ФХДё бўлими мудири Д.ПАРДАЕВА жавоб берди.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафелигида ўтказилаётган III Марказий Осиё кубогига Ўзбекистон вакиллари — Марат Жумаев ва Жаҳонгир Воҳидов пешқадамлик қилмоқда.

Мусобақада пешқадамлик қилаётган халқаро гроссмейстеримиз Марат Жумаев иккинчи турда қозғистонлик Гулмира Даулетовани мағлубиятга учратди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов эса мезбон шахматчилар — Андрей Онищенко ва Алишер Каримов устидан қозongan галабалари эвазига пешқадамлар сафида бормоқда.

Хотин-қизлар ўртасида етакчилик қилаётган ҳамюртимиз Ирина Геворкян тожикистонлик Файзали Нуралиев билан дуранг ўйнаб, иккинчи партиядо қозғистонлик ФИДЕ устаси Екатерина Айнуддиновани енгди.

Иккинчи турнинг энг қизиқарли учрашувларидан бирида икки истеъдодли шахматчимиз — Нафиса Мўминова ва Темур Игонин ўзаро дуранг ўйнади. Мамлакатимизнинг кўпқара чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева тожикистонлик Ҳақим Болтаевни қора доналарда мот қилган бўлса, ФИДЕ устаси Хулкар Тоҳиржонова киргизистонлик Айжаркин Чингиз қизини мағлубиятга учратди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2014 йили Мьянма мезбонлик қиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланма олди.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан ташкил этилган саралаш турнирида китъамизнинг 37 мамлакати ёшлар терма жамоалари тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашди. Қоидага кўра, ҳар бир гуруҳ голиблари ва энг яхши кўрсаткичга эга бўлган олтинчи иккинчи ўрин соҳиб китъа чемпионатида тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатарда ўтказилган "А" гуруҳида мезбонлардан ташқари, Ҳиндистон, Непал ва Туркменистон футболчилари билан куч синашди.

Алексей Евстафеев шогирдлари дастлабки уч учрашувда туркменистонликларни 1:0, непалликларни 5:0 ва ҳиндистонликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гуруҳдаги сўнгги учрашув — Қатар футболчиларига қарши ўйинда мезбонлар 2:1 ҳисобида зафар қўчди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўққиз очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади ва Осиё чемпионатининг финал босқичига чиқди.

Интернет манбалари асосида И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топширилш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А3, ҳажми 2 табулқ. Адади — 6634. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 4 5